Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: 3 сўм.

1992 йил 23 сентябрь, чоршанба № 187 (21.285).

ЎЗБЕКИСТОН—АВСТРИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

СУРАТДА: Австрия Республикаси Федерал канцлери Франц Враницкий билан суҳбат. Р. ҒАФУРОВ олган сурат.

● АМАЛИЙ ТАШРИФ ВАҚТИДА ЎЗБЕКИСТОН-АВСТРИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ҲУСУСИДА ВА ИККАЛА ТОМОННИ ҚИЗИҚТИРУВЧИ ХАЛҚАРО МУАММОЛАР ЮЗАСИДАН ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ.

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ НУТҚИ АВСТРИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ.

● МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ҚАТОР МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Австрия Республикасига уч кунлик амалий ташрифи дақиқаларигача ҳисоблаб қўйилган эди. Бу ташриф самарали, ғоят қизиқарли ўтди ва 20 сентябрь куни тугади. Ҳозир ишонч билан айтиш мумкинки, Ўрта Осиёдаги ёш мустақил республиканинг Ғарбий Европада янги ишончли ҳамкори пайдо бўлди.

Маълумки, Ислом Каримов номига хорижий мамлакатларга ташриф буюриш тўғрисидаги таклифлар тез-тез келиб турибди. Шунга қарамай, шу сентябрь кунларида Австрияга бориш нега афзал кўрилди?

Биринчи навбатда Австрия бой маданий меросга эга бўлган мамлакат сифатидагина эмас, шу билан бирга тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничиликнинг доимий тарафдори бўлган мамлакат сифатида халқаро майдонда катта обрў қозонган. Айни шу қоидалар ҳозир Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосини ташкил этади. Европанинг марказида жойлашган бу мамлакатнинг тажрибаси биз учун фойдали бўлиши шубҳасиздир.

Вена-Швехат аэропортида Ўзбекистон делегациясининг тантанали кутиб олингани, Ислом Каримовнинг Австрия Республикасининг Федерал канцлери Ф. Враницкий ва Федерал Президент Т. Клестил билан ошкора, дўстона суҳбатлари шу мамлакат сиёсат ва савдо-саноат доираларининг мустақил Ўзбекистонга зўр қизиқиш билан қараётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти Австрия Республикаси раҳбарияти билан учрашув чоғида икки томонлама, ўзаро манфаатли муносабатларнинг кўпгина масалаларига тўхталиб ўтганлигини таъкидлаш зарур. Австрия сармояларини жалб этишдан, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида унинг илғор технологияларини қўлланишдан Ўзбекистон манфаатдор эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу Ўзбекистон илтимосчига айланиб қолди, деган гап эмас. Ёш республика ҳукумати Австрия фирмалари ва компанияларининг салмоқли кредитларига кафолат беради.

Яна бир муҳим жиҳати. Австрия Республикасининг Федерал канцлери Франц Враницкий Ўрта Осиё минтақасида юз бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб бормоқда. У ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳаёт меъёрига айланиб қолган сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда Ислом Каримовнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтди. У миллатлараро можароларнинг олдини олишда республика раҳбарининг тинчлик ўрнатишга қаратилган фаолиятига юқори баҳо берди.

Юқори мансабли меҳмонга бундай муносабат икки томонлама музокараларга ҳам таъсир қилмай қолмади. Австрия Ўзбекистонга юз минг тонна ғўшт ва 300 минг тонна сут маҳсулотлари етказиб беришдан ташқари, Ўзбекистоннинг қайта ишлаш саноатига, қўшма корхоналарнинг кенг тармоғини барпо этишга катта сармоя сарфлашга ҳам тайёрдир. Ўзбекистон раҳбарининг бозор иқтисодиёти, менежмент, маркетинг соҳасидаги Австриянинг етакчи профессорлари ва муаллимларини Ўзбекистонга юбориш тўғрисидаги таклифини Федерал канцлер самимий қўллаб-қувватлади.

Тўла ҳамжиҳатлик ва манфаатларнинг муштараклиги — ташрифнинг бош мавзуи ана шундай. Ташрифнинг катта қисмини Ислом Каримов Австрия тажрибасини ўрганишга, банк эгалари ва ишбилармонлар билан учрашувга бағишлади.

И. А. Каримов Австрия Республикасидаги етакчи фирмалар, концернлар ва банкларнинг раҳбарлари ҳузурида сўзга чиқиб, бозор муносабатларига ўтишда Ўзбекистон раҳбарияти тутган йўлни аниқ баён қилиб берди.

Ислом Каримов Ўрта Осиёдаги энг қудратли республикалардан биридаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни қисқача тавсифлаб, савдо ва биргаликдаги ишлаб чиқариш фаолияти минтақада яшовчи халқлар алоқаларининг тарихий таркиб топган шакли эканлигини, у ижтимоий меҳнат тақсимоти, табиат ресурсларининг қандайлиги ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштиришнинг хусусиятлари билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистонда хом-ашё ва ишлаб чиқариш базаси етарли даражада мустаҳкам бўлиб, бу ерда ривожланган хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун эндиликда ҳуқуқий асослар вужудга келтирилган.

Ғарбий Европадаги ишбилармонлар учун Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилишда нималар айниқса жозибалидир. Ислом Каримов бешта муҳим жиҳатга тўхталиб ўтди.

Биринчидан, Ўзбекистон Парламенти қабул қилган барча ҳужжатлар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг умумэътироф этган меъёрлари ва қоидаларига таянади. Бу эса мустақил республиканинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли равишда қўшилиши учун кафолатдир.

Иккинчидан, барча қонунларда иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш кўзда тутилган. Республикада мулкчиликнинг у ёки бу шаклига нисбатан ғаразли қарашлар йўқ. Корхоналарнинг барча турлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги хусусий корхоналар учун эркин ва самарали иш олиб бориш имкониятлари яратилган. Хорижий сармояларни рағбатлантириш тўғрисида қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ хорижий ишбилармонларга биноларни, иморатларни ва машина-ускуналарни мулк қилиб сотиб олиш ҳуқуқи берилган.

Учинчидан, халқаро савдосотиқ — бозорни моллар билан тўлдиришнинг, шунингдек рақобатнинг сифат жиҳатидан янги даражасини вужудга келтиришнинг бевосита йўлидир.

Тўртинчидан, хорижий сармоя эгалари учун имтиёзли солиқ тартиби жорий этилган. Масалан, хорижий сармоя сарфланган корхона дастлабки фойда олинган пайтдан бошлаб икки йилгача солиқ тўлашдан озод қилинади.

Бешинчидан, республика миллий суғурта жамғармасини барпо этмоқда, унинг асосий мақсади хорижий сармоя эгаларига кафолат беришдан иборат.

Ислом Каримовнинг бу нутқи Австрия ишбилармонларида катта қизиқиш уйғотди. Фикрлашув чоғида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар чиқариш, қўшма корхоналарда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш каби муҳим тармоқларда ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Муҳокама қилинган бир қанча масалалар юзасидан ҳужжатлар имзоланди. Сарфланган сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартнома ана шундай ҳужжатларнинг энг муҳимидир.

...Учрашувлар, суҳбатлар, сафарлар Ўзбекистон Республикаси делегациясининг уч кунлик ташрифи режаларида жуда кўп эди. Меҳмонлар Австрия Республикаси парламентида бўлдилар, улар Вена ҳокимиятида қабул қилинди, Австрия Императорларининг ёзги боғроҳи Шчем-брунн қасрини бориб кўрдилар, жаҳонга машҳур «Филипс» компаниясининг фаолияти билан танишдилар. Буларнинг ҳаммаси ташрифнинг аниқ риоя этилган тартибида кўзда тутилган эди. Лекин, чамаси энг муҳими шундаки, бадавлат ва гуллаб-яшнаётган Австриядагилар ёш мустақил республика билан ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилиш фойдали ва истиқболли эканини тушундилар.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Испания қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эухенио Бреголат И Обиолс жаноблари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширди.

Элчи жаноблари Испания Қироллиги ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатия алоқаларининг ўзига хос тарихи борлиги ва ўзини қиролликнинг Темур салтанатидаги элчиси Клавихоннинг издоши деб билишини айтди. Дипломатия алоқалари ўрнатилиши Испания ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни тубдан янгилайди, деб умид билдирди.

Ислом Каримов Эухенио Бреголат И Обиолс жанобларининг тарихни чуқур билишидан мамнуният изҳор қилди. Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ИСПАНИЯ ҚИРОЛЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Эухенио Бреголат И ОБИОЛС

1943 йил 26 январда Сео де Ухелда (Лерида) туғилган. Барселона университетини тугатган, ҳуқуқшунослик лицензиати.

1971 йили — дипломатия вазифасида ишлай бошлаган.

1974-1978-йиллар — Испаниянинг Совет Иттифоқидаги савдо ваколатхонасининг савдо маслаҳатчиси, Испаниянинг Москвадаги элчихонасининг биринчи котиби.

1978 — 1982-йиллар — Адольфо Суарес ва Леопольдо Кальво Сотело ҳукумати раиси маҳкамасининг халқаро департаменти бошлиғи.

1982 — 1987-йиллар — Испаниянинг Индонезиядаги элчиси.

1987 — 1991 йиллар — Испаниянинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси.

1991 — 1992-йиллар — Испаниянинг Канададаги элчиси.

1992 йил февраль ойидан бошлаб — Испаниянинг Россия Федерациясидаги элчиси.

1992 йил апрель ойидан бошлаб — Испания Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Ўриндошлик бўйича фавқулодда ва мухтор элчиси.

Оилали, битта ўғли бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

● *ХДП ҳаётидан*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ

АҚШ Демократик партияси ишлаб чиққан анъана ва орттирган тажрибаларга асосланувчи Халқаро муносабатлар миллий демократик институтининг Ўзбекистонга келган бир гуруҳ вакиллари уларнинг илтимосига кўра, 21 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов партия Раиси, мустақил республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг тинчликсевар ташқи ва ички сиёсати, ўтказаётган иқтисодий ислоҳотлари, Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифалари, амалга ошираётган ишлари тўғрисида меҳмонларга атрофлича ахборот берди.

Вашингтонда жойлашган мазкур Халқаро муносабатлар миллий демократик институтининг раҳбарларидан бири Томас Милия ўз ташкилотининг асосий мақсади, олдига қўйган вазифалари ҳақида маълумот берди. У институт демократик муассасаларга ёрдам бериш ҳамда демократия юзага келаётган мамлакатларда фикрлар хилма-хиллиги қадриятларини ривожлантириш мақсадида 1983 йилда ташкил топганлиги, молиявий жиҳатдан қисман АҚШ конгресси томонидан таъминланишини таъкидлади. Институт турли демократик партия ва ҳукуматлар, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан иш олиб боради, демократияни ривожлантириш ишида ҳамкорлик қилади, демократик тузумга тинч йўл билан ўтишга ўз дастурлари билан кўмаклашиши мумкин. Шу маънода у дунёнинг турли бурчакларидаги мамлакатларда ўзаро амалий ҳамкорлик асосида муайян ишларни олиб боради.

Қабул чоғида томонлар ўзаро кенг ва қизғин фикр алмашдилар. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов республикадаги мавжуд демократик тартиботлар, дастлабки Президент сайловлари ва унинг натижалари, бу тадбирларда ХДПнинг иштироки ҳақида гапириб берди.

М. М. Расулов америкалик меҳмонларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Томонлар ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти кенгашларининг бир гуруҳ аъзоларидан иборат ХДП вакиллари яқинда Туркманистон Демократик партияси Тошҳовуз вилояти комитетида бўлиб партия ҳужжатларини юритиш, сиёсий тарғибот-ташвиқот ва партия ички ҳаёти соҳаларида тўпланган тажрибалар билан танишдилар. Улар Тошҳовуз вилоятининг бир қатор шаҳар ва районларида давлат ва жамоа хўжаликларида бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги пайтда қийинчиликлардан чиқиш учун нималар қилинаётганини ҳам ўргандилар. Ўз навбатида ХДП Қорақалпоғистон республикаси кенгаши котиби С. Қутлимуродов, Хоразм вилоят кенгаши иккинчи котиби И. П. Володарский Ўзбекистон ХДП ташкил этилган салкам бир йил ичида қилинган ишлар, олдиндаги вазифалар ҳақида сўзлаб бердилар. Амударё қуйи этакларидаги ўзбеклар, қорақалпоқ, туркман, қозоқ ва бошқа миллатлар бир дарёдан сув ичиб, бир-бирлари билан азалдан дўст, биродар бўлиб яшамоқдалар. Уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари бир-бирларига жуда ҳам яқин. Кейинги йилларда қадриятларимизни, урф-одатларимизни қайта тиклаш борасида самарали ишлар қилинаётгани шу ҳудудда яшаётган барча миллат кишиларининг дўстлигини янада мустаҳкамлаш имконини беряпти. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм ва Тошҳовуз вилоятлари партия ташкилотлари ҳамда ёшлар уюшмалари раҳбарлари маданий, иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан ўзаро шартномаларни имзоладилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ О. Ж. ИСМОИЛОВНИ «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Олимжон Жўраевич Исмоилов «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 22 сентябрь.

Ўзбекистон—ХТТБ аъзоси

● Ахборот маҳкамалари тарқатган хушхабарга кўра, Ўзбекистон Республикаси 21 сентябрь куни Халқаро тиклаш ва тараққиёт банки — ХТТБга аъзо бўлди. Мамлакатимиз вакили АҚШ давлат маҳкамасида банк Низоми билан танишиб, тегишли ҳужжатни тантанали имзолади.

Халқаро тиклаш ва тараққиёт банки — ҳиссадорлик тамойиллари асосида ташкил топган ва унга аъзо давлатларга қарз берадиган халқаро уюшма бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус маҳкамаси мақомига эга. Унга 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) билан биргаликда асос солинган эди. Банк 1946 йилдан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Шу вақтгача унга дунёнинг 170 давлати аъзо бўлган, Ўзбекистон 171-аъзо сифатида қабул қилинди. Банкнинг икки тармоғи мавжуд: Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Халқаро молиявий корпорация.

ХТТБга аъзо бўлиб кириш Ўзбекистон саноатига чет эл сармоясининг кириб келишига, хорижлик ҳамкорларнинг дадилроқ сармоя қўйишига, пул бирлигининг мустаҳкамланишига, янги технологияларнинг тезроқ ўзлаштирилишига замин яратади. Юқорида санаб ўтилган кенг кўламли жараёнларнинг амалга ошиши учун давлат тузуми демократия қонун-қоидаларига зид бўлмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро тиклаш ва тараққиёт банкидаги бошланғич улуши 140 миллион доллар миқдорда белгиланди. Ҳукуматимиз банк жамғармасига 12,1 миллион доллар ҳисса қўшди. Катта миқдордаги бу улуш яқин келажакда халқаро обрў-эътибор ва ҳамкорлик ишончи тарзида юртимизга қайтажак.

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,
ЎзА мухбири.

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ

ЗАФАР МАРРАСИГА ЕТГАНЛАР

Ғузор районидаги Улуғбек номли давлат хўжалиги далаларида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Чевар теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. «Зангори кема»лар шитоб билан ишлатиляпти. Буларнинг ҳаммаси илғор бригадаларнинг ғалаба маррасига етиб келишини таъминламоқда.

Сўз — хўжаликнинг ғалаба маррасини эгаллаган бригада бошлиқларига:

Н. РЎЗИБОЕВ: — Дастлабки зафарни қўлга киритдик. Ҳозиргача 35 гектар майдондан 80 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» йиғиб-териб олдик. Ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказиш учун курашмоқдамиз.

А. САМАДОВ: — Жамоамиз давлат режасини барвақт эгаллади. 40 гектар майдондан эл хирмонига 90 тоннадан зиёд пахта етказиб берилди. Имкониятларимизни чамалаб кўриб яна 80 тонна пахта тайёрлашга аҳд қилдик.

ОЛТИАРИҚ ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАРИ:

Маҳсулотимизни чет элга ҳам сотамиз!

Олтиариқ пахта тозалаш заводининг ходимлари мавсумга иккита янгиликни тайёрладилар.

Илгари ишлаб чиқаришнинг барча чиқитлари пресслаб ва чорвачилик хўжаликларига бепул топширилар эди, яъни бундан корхонага ҳеч қандай наф келмасди. Эндиликда ана шу чиқитлардан фойда олиш имконияти пайдо бўлди. Заводда махсус ускуна ўрнатилди, унинг ёрдамида чиқитлардан пахта тивити ажратиб олинади.

— Бу маҳсулотни чет элга сотмоқчимиз, — дейди корхона муҳандиси М. Каримов. — Тушган валютани маданий-маиший шароитни яхшилашга, замонавий машина-ускуналар харид қилишга сарфлаймиз.

Иккинчи янгилик — тўртта янги чанг тутгич камералардир, улар корхона атрофидаги ҳавонинг тоза бўлишини ва тола сифати яхшиланишини таъминлайди.

Заводда янги ҳосилни қабул қилиш учун ҳамма шароит яратилди. Мавсумда 32.800 тонна пахтани қайта ишлаш режалаштирилмоқда.

(ЎзА).

КАРВОН ЙЎЛГА ЧИКДИ

● Навоий вилояти далаларида пахта йиғим-терими бошланиб кетди. Қизилтепа районининг пахта тозалаш заводида илк пахта карвонини қабул қилиш маросими бўлди. Вилоят ҳокими А. Айдарқулов пахтакорларга йиғим-терим мавсумида катта муваффақият тилади.

(ЎзА).

БУГУНГИ СОНДА:

● Ўзаро манфаатли ҳамкорлик (1-БЕТ)
● Маёқли йўл бошида (2-БЕТ)
● Варқарорлик неъмати (3-БЕТ)
● Илмда ўзига хос жасорат (4-БЕТ)

МАЁҚЛИ ЙЎЛ БОШИДА

И. А. Каримов:

Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши—биз кўзлаётган олий мақсаддир.

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини ўқиб

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини «Ўзбекистон овози» газетида босилаётган кунларда бир бошдан ўқиб чиқдим. Ушбу рисола бир сўз билан айтганда ўз вақтида ёзилган, барча соҳа кишилари учун ҳаётий қўлланма бўлиб қолиши мумкин.

Мен китобдан олган таассуротларимни рисоланинг номидан бошламоқчиман. Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки дақиқаларданоқ Ўзбекистон қайси йўлдан боради, деган масала ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. У жумҳуриятда яшаётган барча кишиларни ўйлатиб ва сўйлатиб, ҳар хил мулоҳаза юритишга мажбур этди. Биров Туркия йўлидан борамиз, бизга шу йўл маъқул деса, баъзи кишилар Хитой, Япония, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларнинг йўли тўғри йўл, деб ўз фикрини асослашга ҳаракат қилди.

Халқимизда кимки бировнинг изидан боришни ўзининг йўли қилиб олса, у олдинга ўтиш у ёқда турсин, қаторда ҳам баравар бораолмайди, деган хикматли гап бор. Шу жиҳатдан олганда китобнинг номиёқ аҳоли аксарият қисмининг фикри-мақсадини ўзида тўла мужассамлаштирган: Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор.

Рисолада аниқ-равшан қилиб ёзилганидек, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида амалга ошириладиган барча ишларда ўлкамизнинг бутун бир тарихий жараёнларини, ўтмишдаги давлат тузилиши тажрибаларини, ўзига хос ва объектив шароитларни, маданияти, иқтисодий ва жўғрофий хусусиятларини, айниқса, энг катта бойлигимиз — йигирма икки миллионли халқимизнинг ҳоҳиш-иродасини кенг кўламда ўрганиб, ундан фойдаланишимиз лозим. Ана шундагина мустақил Ўзбекистон жаҳон миқёсида ўз йўлини топа олади.

Китоб кўпдан бери кишиларни ўйлатиб келаётган яна бир муаммога, яъни, мустақилликка эришилди, аммо республикада қандай давлат ва жамият қурилмоқчи, бу давлат қандай услуб ва кучлар билан идора қилинади, яқин ва узоқ муддатли мақсадлар нималардан иборат, деган саволларга ҳам жавоб берган: Ўзбекистонда демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этилади, жамиятни эса халқ бошқаради, фуқороларнинг ижтимоий-иқтисодий талаблари қондирилади ва бу иш қонун асосида амалга оширилади. Буни албатта республиканинг барча фуқаролари маъқуллайдилар ва тўла қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман.

Ўзбекистон асосан ўзбекларнинг ватани ҳисоблансада, амалда у кўп миллатли бўлиб қолди. Шу сабабли республика олдида турган энг оғир ва энг долзарб вазифаларни миллати ва дини ҳар хил бўлган ана шу кишиларнинг бошини бирлаштириб, аҳиллик ва ҳамжиҳатлигини таъминлаб, осойишталикни сақлаган ҳолда амалга ошириш мумкин. Рисола шу йўналишда бажариладиган ва ҳамма риоя этиши лозим бўлган аниқ йўл-йўриқларни ҳамма бир ўқишда тушуниб оладиган қилиб ўзида акс эттирган. Унда шунингдек, иқтисодий соҳадаги ютуқлар билан бирга, йўл-қўйилаётган нуқсонлар ҳақида ҳам рўй-рост фикр юритилган. Охирги бобда эса мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириб боришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ҳақида тарихий манбаларга асосланиб, ҳозирги аҳволга очиқ-ойдин баҳо берган ҳолда келажак вазифалари кўрсатиб ўтилган. Умуман айтганда, ҳар бир киши ушбу рисолани чуқур ўрганар экан, айни пайтда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш маъносида ўзи учун тегишли хулосани чиқариб ҳам олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда мен ҳам китобни ўқиш жараёнида фойдали бўлган баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман. Менимча, мустақилликни сақлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириб боришда демократия, бирлик, интизом, тартиб, қонунчиликка риоя қилишдан иборат бешта шартга асосланиш лозим деб биламан. Бу шартлар айрим шахсларгагина эмас, балки ҳаммага баравар тааллуқли бўлиши керак. Масалан, қонунга риоя этиш масаласини олайлик. Қонун олдида оддий фуқоро ҳам, олий даражадаги раҳбарлар ҳам баравар ҳуқуққа эга. Шунинг учун ҳамма қонунга бир хилда риоя этиб, уни амалга ошириш лозим. Раҳбарлар эса қонунга амал қилиш билан бирга, бу ишда бошқаларга намуна бўлишлари ҳам керак.

Энди юқорида қайд этилган шартларнинг яна бири — демократияни олайлик. Китобда қурилаётган давлат ва жамиятимиз демократик бўлади, деб таъкидланган. Бу — давлатни халқ идора қилади, деганидир. Демак, шу талаб амалга оширилса республикада яшаётган барча фуқаролар миллати ва динидан, жинсидан, қайси партияга мансуб эканлигидан ёки партиясизлигидан қатъи назар уни амалда тўла қўллаб-қувватлайдилар ва ҳимоя қиладилар.

Китобда бозор иқтисодиётига ўтиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Тўғри, ана шу тизимга ўтиш учун республикада кўп ишлар амалга оширилди. Аммо келгусида бу соҳада яна қандай ишлар қилинади, нарх-наволарни ошириб боришнинг чеки-чегараси борми, аҳоли ўзи учун зарур бўлган моллларни дўконлардан эркин-бемалол харид қила оладими, ҳаёт жуда ҳам оғирлашиб кетдику, деган саволларга ҳалиҳамон аниқ жавоблар йўқ ва унга дарҳол жавоб бериш ҳам қийин. Зеро, бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Чунончи, республика мустақил деб эълон қилингани бўлсада, ҳалигача ўз пул бирлигимизга эга эмасмиз. Собиқ Иттифоқ давлати ва ҳукумати тарқатиб юборилганига бир йилдан ошган бўлсада, ягона пул — сўм (рубль) ҳамма жойда муомалада қолди. Бир пайтлар Англия, Франция, Голландия, Белгия ва бошқа Оврўпо давлатларининг мустамлакалари бўлган Африка ва Осиёдаги халқлар мустақилликка эришишлари биланоқ биринчи навбатда ўз шахсий давлат пул бирлигига эга бўлган эдилар. Бу жуда катта аҳамиятга молиқ масала, албатта. Ўзбекларда «шохига урсанг туёғи зирқирайди», деган гап бор. Агар ўз пул бирлигимизга эга бўлмасак собиқ Иттифоқнинг ҳозирда мустақил давлатларидаги мавжуд аҳволи тўғридан-тўғри бизнинг республикамизга ҳам ўз таъсирини ўтказаверади.

Тўғри, бунинг олдини олиш учун зарур чоралар кўриляпти. Аммо бу чоралар бошқа республикалар ўтказаётган таъсир кучини бутунлай тўхтатиб қололмайди. Қоп ва чамадонларда олиб келинаётган пуллар эса бозоримизга тўғридан тўғри таъсир ўтказишда давом этяпти.

Мен яна бир катта муаммо — мустақил республикалар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга тўхталмоқчиман. Собиқ Иттифоқ давлати ўз вақтида шундай усталик билан иш юритган эдики, бунинг оқибатида барча республикаларнинг халқ хўжалиги тармоқлари бир-бири билан чамбарчас боғланиб, томирлари ажратиб бўлмайдиган даражада уйқашиб кетди. Эндиликда уни бирдан узиб ташланса ҳалокатга олиб келиши муқаррар. Бошқача айтганда, Ўзбекистондаги ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси Россия ёки Украина ёхуд бошқа республикалардаги ҳамкор корхоналар шартнома асосида етказиб берадиган эхтиёт қисмларсиз, хомашё ёки машина ускуналарсиз ишлай олмайди. Масалан, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини олайлик. Бу ерда тайёрланган самолётлар ҳозир дунёга машҳур. Бироқ, шу кунларда бу корхонада аҳвол жуда ҳам оғир. Чунки бирлашма тақдири ҳам бошқа мустақил давлатлардаги заводлар тақдири билан чамбарчас боғлаб қўйилган. Агар бирор завод унга, айтайлик, битта винт юбормаса бирлашма мустақил тарзда маҳсулот ишлаб чиқариши қийин. Илгари режалаштирувчи ташкилот ва вазирликлар орқали шартномалар асосида олиб келинадиган зарур хомашё, машина ва ускуналарнинг миқдори, баҳоси, вақти олдиндан қатъий белгилаб қўйилар ва шунга қаттиқ риоя қилинар эди. Энди эса шу ишга мутасадди бўлган вазирликлар йўқ. Ҳозир корхона ва ташкилотларнинг ўзлари таъминотчи шериклар қидиришга мажбур бўлмоқдалар. Бундан кейин республикада саноат ва қурилиш ишлари билан шуғулланадиган ташкилот ва муассасаларнинг масъулияти тобора ошиб бораверади.

Республикада ишлаб чиқарилаётган саноат махсулотларининг турлари ва сифати жахон талабларига ҳар томонлама мос келадиган тарзда бўлишига эришиш ҳам мухим вазифалардан. Изчил олиб борилаётган ташқи иқтисодий ва савдо сиёсати ўзининг яхши натижаларини беряпти. Юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида хомашё базаси бўлиб келган Ўзбекистон энди четга хомашё эмас, балки ўзимизда тайёрланган саноат махсулотларини ҳам чиқариш сари илк қадамлар қўймоқда. Кейинги йилларда қўшма корхоналар қурилгани ана шундай имкониятларни вужудга келтиряпти. Демак, шу йўлни изчил давом эттиришимиз лозим.

И. А. Каримовнинг китобида мана шу вазифлар тўлалигича ўз аксини топган. Энди ҳамма гап бу вазифаларни амалга оширишда.

Рисолада жамият хаётининг барча томонлари қамраб олинган. Бу эса ўз навбатида муаллифнинг республика хаётининг турли сохаларини чуқур билишини, вужудга келган муаммоларни ҳал этишнинг йўл-йўриқларини яхши тушунишини кўрсатади. Китобда шундай сатрлар бор. «Ўрта Осиё минтақасининг сув ресурслари тугаш олдида. Оролнинг экологик ҳалокати жаҳон миқёсидаги фожеа деб тушиш билан эътироф этилмоқда». Ҳа, бу — ҳақиқат. Шу ерда ҳақли тарзда мана шундай савол ҳам пайдо бўлади. Нима учун миллион йиллар давомида бутун бир ўлкага ҳаёт бахш этиб келган ягона денгизимиз бугунги кунга келиб ҳалок бўляпти? Нима учун дарёлардаги сув ресурслари тугаш олдида турибди? Шундай экан ўлкамизда бундан кейин ҳаёт тарзи қандай кечади? Унинг иқлим шароити қандай ахволда бўлади? Ҳозир келажагимизни кўз олдимизга келтиришимиз мумкинми? Ана шу муаммоларга бағишлаб республикада кўплаб мажлислар, илмий конференциялар ўтказиляпти, турли хил ташкилотлар тузиляпти. Лекин булар амалий натижа беряптими? Сув кўпайдими? Афсуски, бу ҳақда бирон тайинли гап айтиш қийин. Энг ачинарли жиҳати шунда бўлмоқдаки, сира ҳам орқага қайтариб бўлмайдиган қимматбаҳо бойлигимиз — вақт беиз, бесамар ўтиб бормоқда. Айтмоқчиманки, ҳозир биз учун энг зарур нарса ҳар томонлама ўйланиб тайёрланган, илмий-иқтисодий ечилмаларга асосланган умумхалқ Орол ва сув дастури яратилиши лозим ва уни изчил амалга ошириш мустақил давлатимизнинг бурчи бўлиб қолмоғи керак.

Хулоса шуки, И. А. Каримовнинг истиқлол ҳақидаги рисоласи республика мустақиллигининг бир йиллиги арафасида катта воқеа бўлди. Унда йил давомида кишиларда тўпланиб қолган саволларга тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинган. У айни пайтда кишиларда келажакка ишонч руҳини уйғотади, уларни давлатимиз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ишига руҳлантиради.

Н. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти президиумининг раиси.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ҚАШҚАДАРЁ

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ

● «ҚАРШИТЕРМОПЛАСТ» заводида янги линия ишга тушгач, 32 диаметрли пластмасса қувурлари ишлаб чиқарила бошланди.

Бу ҳозирги пайтда ўта ноёб буюм ҳисобланиб, шаҳар ва қишлоқларда хонадонларни водопроводлаштириш учун қулайдир. Темир қувурга нисбатан ҳам арзон, ҳам сифатли. Тупроқ остига ётқизилса чиримайди.

Заводда 30 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Булар орасида 110 диаметрли пластмасса қувури алоҳида ўрин тутади. Кичик сиғимли қувур ишлаб чиқариш ўзлаштирилгач, кунига икки километргача узунликда маҳсулот тайёрлашга эришиляпти.

— Корхонамиз йилига 3 минг тоннагача пластмасса буюмлари ишлаб чиқаряпти. — дейди завод директори Зафар Каримов. — Лекин корхона қуввати 10 минг тоннадан зиёддир. Бунга эришиш учун етарли хом ашё керак бўлади. Турли йўллар билан Белгород, Қозон, Иркутск ва бошқа жойлардан хом ашё олиб келяпмиз. Зеро иқтисодий танглик туфайли буюртмачиларимиз камайиб боряпти.. Ҳозир 40 миллион сўмлик тайёр маҳсулотимиз бор.

Шунга қарамай, янги линияни ишга туширишга имкон топдик. Шунингдек, пластмассадан қўшимча ёнилғи идиши, пиёла, тақсимча, уйсозлик буюмлари тайёрланяпти. Бу йил водопроводга ва рўзани томчилатиб суғоришга мўлжалланган 32 диаметрли 200 километр пластмасса қувур ишлаб чиқаришга эришамиз.

(Ўз мухбиримиз).

● ХОРАЗМ

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИБ БЕРИЛАДИ

● ВИЛОЯТ ҳокимлиги етим-есир болалар ҳақида ғамхўрлик қилишни янада кучайтиришни ўз зиммасига олишга қарор қилди.

Вилоят ҳокими Республика мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан қабул қилган қарорга биноан 1054 нафар етим-есир бола 304 минг сўм билан тақдирланди. Ота-онасиз 300 нафар боланинг ҳар бирига 500 сўмдан, отасиз ёхуд онасиз 754 нафар норастанинг ҳар бирига эса 200 сўмдан байрам пули улашилди.

Етим-есир болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш бундан буён шаҳар ва район ҳокимликлари зиммасига юклатиладиган бўлди. Вилоятга чет эллардан етказиб берилаётган инсонпарварлик-хайрия ёрдамлари ҳам эндиликда биринчи навбатда етим болаларга тақсимлаб берилади. Етим бошини силаш, ўқитиш, соғлигини мустаҳкамлаш, арзон нархда кийимкечаклар билан таъминлаш юзасидан мутасадди ташкилот ва муассасаларга ҳам тегишли топшириқлар берилди. Шунингдек, етим-есирлар учун маҳаллий бюджет ҳисобидан уй-жойлар қуриш масаласи ҳам шаҳар ва район ҳокимлиги кун тартибига қўйилди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

● *Мустақиллик ишчанликни ёқтиради*

ҲИСОБДОНЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

● Корхона иқтисоднёти билан таниша туриб бир нарсага тан бердик. Бу ерда ҳеч нарса, ҳатто кичкинагина имконият ҳам назардан четда эмас. Шу важдан бўлса керак, «Кўз остига олиб қўйилган» ўша имконият ва имкониятчалар мустақиллик шароитида ҳаётга дадил тадбиқ қилинмоқда. Улар корхона меҳнат жамоаси аъзолари иқтисодий аҳволини яхшилашга баҳоли қудрат мадад беряпти.

— Ҳисобини билмаган — ҳамёнидан айрилар.. деган гап бор. Бу — ҳаёт ҳақиқати. — Қўқон гўшт корхонаси директори Адҳамжон Абдуллаев шу гапни айтиб, аввал бир дақиқа тин олди. Сўнг мулоҳазаларини ошкор этди. — Тўғри, ҳисоб-китоб бўлган, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ишимиз ҳисобсиз бўлмайди. Лекин ҳисоблашда ҳам сир бор. Турмуш талаблари шунга ўргатади.

Директор чорак асрдан бери корхонани тебратади. Тажриба орттирган, билимдон, амалиётчи мутахассис.

— Сизнингча, ҳозирги шароитда бошқарувда энг муҳим нарса нима? — сўраймиз ундан.

— Ҳисобдонлик!

— Шу мулоҳазангизни сал изоҳласангиз.

— Оддий қилиб айтганда етти ўлчаб, бир кесган маъқул. Яъни, бир хил хом ашёни бошқасига қўшиб, янги маҳсулот олиш мумкин. Лекин у аввалгисига қараганда нимаси билан фарқ қилади? Сифатлими, арзонми ё харидоргир? Буни ҳисобдон одамгина аниқ фарқлайди. Ҳозирги шароитда, айниқса бошқарувда ҳисобдан адашмаслик, фойда-зиённи фарқлаб иш тутиш талаб қилинмоқда.

Бу — анчайин талаб эмас, бозор иқтисодиёти ҳар бир оила бошлиғини, жамоа раҳбарини, оддий мутахассисни синовдан ўтказиб турган ҳозирги шароитда ҳисобдонлик — энг катта мезон, десам лоф эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида режа ва шартнома мажбуриятларини бажариш билангина иш битмайди. Корхонамиз шу йил олти ойлик режаларини яхши адо этди. Товар маҳсулот тайёрлаш 103,5 фоиз бажарилди. Мўлжалланганидан 567 минг сўм кўп фойда кўрилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаси 106 фоизга тўғри келди.

Лекин бу ҳали — корхона хўжалик мустақиллиги имкониятларидан тўла фойдаланяпти, деган гап эмас. Хўш, нима қилиш керак?

ИККИЛАМЧИ?

Имкониятлардан фойдаланиш жабҳасида рўёбга чиққан тадбиримиз натижаси билан таништирсам. Корхонада «иккиламчи маҳсулот» деган ичак-чавоқ, ўпка-жигарлар бўлади. Афсуски, бунга кўпчилик унча эътибор қилмасди. Эҳтимол, машаққатли меҳнат талаб қилгани учун шундайдир.

Биз корхонада алоҳида участка ташкил этиб, иккиламчи хом ашёни тозалаш, саралаш, сақлаш, қайта ишлашни пухта йўлга қўйдик.

Ҳисобдон мутахассис Раҳимжон Мукаррамшоев билан узоқ маслаҳатлашдик. Суҳбатимизда «иккиламчи» деб камситилувчи маҳсулотларни тансиқ таом даражасига кўтарсак-чи, деган масала кўндаланг турди.

— Лекин уни қандай сотамиз?

— Корхонанинг ўз мустақил дўконини очамиз.

— Хўш-хўш?

Дўконда корхона хом ашёсидан тайёр маҳсулот тайёрлаб сотиш йўлга қўйилади. Қарабсизки, чиқиндисиз технология асосида ишлашга катта йўл очилади.

— Кейин-чи?

— Бундан кўп томонлама манфаат кўриш мумкин. Биринчидан, «чиқит» дейилдиган хом ашё умумий маҳсулот ҳисобига киради. Иккинчидан, олинган фойдаси ишчи-мутахассисларни ижтимоий муҳофаза қилишга маблағ ўзага келади. Учинчидан, шаҳар аҳолисининг гўшт маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришга кўмаклашган бўламиз.

Давлат корхонаси ўз дўконини очишга йўл топди. Бунинг учун шаҳарнинг ўртасида қаровсиз қолиб кетган эски қўшдўкони таъмирланди. Харидор кўзи тушадиган даргоҳда мўъжаз дўкон иш бошлади.

— Ҳозир натижалар чакки эмас, — дейди дўкон мудири Р. Мукаррамшоев. — Ҳар куни 40—50 минг сўмлик маҳсулот сотяпмиз. Ойлик савдо 1 миллион сўмга етяпти. Бу корхонамиз жамоаси аъзоларини моддий жиҳатдан муҳофаза этишда қўл келяпти.

Шу тариқа дўконнинг иши юришиб кетди. Иккиламчи маҳсулотлар харидорларга манзур бўла бошлади. Истеъмолчилар билан дўконда олдиндан буюртма қабул қилиш йўлга қўйилди. Маҳсулот талабга қараб корхонадан дўконга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Энг муҳими, маслаҳат вақтида айтилган ғоя амалга ошди — маҳсулотларнинг нархи бозорлардагидан арзонроқ. Илгари чиқитга чиқиб кетаётган суякдан ажратиб олинган резги гўшт, қорин, ўпка-жигар, тил-талоқ кабиларни қайта ишлаб сотишдан фойда кўриляпти.

Бу — ҳисобдонликка бир мисол.

ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА, СЕН ЗАМОНГА БОҚ

— Замон шундайки, — дея таъкидлади директор — ҳозир таваккал иш тутиш ҳам керак. Ланжлик қилаверсангиз, бўлар иш ҳам ора йўлда қолиб, атрофингиздагиларда ишончсизлик уйғонади.

...Ҳамма гап замонавий ускуналар олингач, корхона лабораторияси янги иморатга кўчиб ўтганидан кейин бошланди. Эски бинони нима қилиш керак? Бузиб ташлашга увол. Ижарага бериб юборишга кўз қиймайди. Гўштчиликка ихтисослашган корхона учун бу бино яроқсиз ҳисобланарди. Хўш, ундан фойдаланишнинг иложи борми ўзи?

Маслаҳат даврасида Толибжон деган мутахассиснинг фикри инобатга олинди. «Эски лаборатория биноси пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилсин» деган қарорга келинди.

Холматжон Мадаминов мутасадди этиб тайинланди. Эски лаборатория жиҳозлари кўчирилди. Қайта таъмирланди, оқланди. Ортиқча харажат ҳам қилинмади. Мана, ҳозир бу ерда шогирдлардан ташқари уч киши пойабзал тикиш билан машғул. Қўқон ҳунармандлар шаҳри эмасми, косиб Раҳмонжон Маҳмудов, Шуҳрат Мадалиевлар жон деб ишга келишди.

Дарвоқе, бунгача анча воқеалар рўй берди. Шулардан бири хом ашё топиш йўли. Гўшт саноати корхонаси мол ва қўй сўйилиши жараёнида тери ажратиб олиши табиий. Лекин хом теридан пойабзал тайёрлаб бўлармиди. Иқтисодчилар фикри ҳисобга олинди. Қўқон кўн заводига юборилиб турган теридан ҳозирча 10 фоизини ошлатиб, корхонага қайтариш тартибига амал қилинди. Хуллас, пойабзал ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

Айтиб қўяйлик, корхона ошлаш заводига бераётган теридан кўпроқ олиши ҳам мумкин. Республикамиздаги тармоқ корхоналари ошлашга юборилган терининг 40—50 фоизидан ҳам фойдаланишмоқда. Лекин бунинг учун пойабзал участкасини ростмана цех даражасига кўтариш лозим бўлади.

Таҳлилларга асосланса, оғир палла ортда қолди. Пойабзал ишлаб чиқаришнинг бу корхонадаги истиқболи бахайр кўринур. Негаки, ҳозирча ҳар ойда 100 донадан эркаклар пойабзали тайёрлаётган участка йил охиригача бу миқдорни 225 300 донага етказмоқчи. Олинадиган фойда 10.000 сўм атрофида бўлади.

Бу хусусда истиқболга оид яна бир рақам тилга олинди.. Фойда олиш бир томондан. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳунармандларга иш жойи топиб бериш ҳам керак. Шунинг учун бу ерда йилига 500—600 дона пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тараддуди кўрилмоқда. Ана шунда корхона ишчи-муҳандислари ижтимоий турмушини кафолатлашга сарфланадиган қўшимча маблағ топиш имкони яратилади: пойабзал тайёрлаб сотишдан кўриладиган фойда ҳажми 50—60 минг сўмга етади.

ХИТОЙДАН МАКТУБ КЕЛДИ

— Яқинда Хитой Халқ Республикасидан мактуб олдик, — деди директор қоғозлардан бирини ажратиб олиб кўз ташларкан. — Унда ёзилишича, Хитойдаги Далян фирмасида 5.000 тонна биз боп гўшт бор экан. Шуни хом тери, ичак маҳсулотларига алмаштириш йўли билан алоқа боғлашмоқчи. Агар шу иш амалга ошса, Қўқон гўшт комбинати хорижга чиқади. Хориж билан алоқа икки томонлама манфаат асосда йўлга қўйилади.

Шу тариқа бу ерда хориж билан ҳамкорлик қила оладиган «Қўқон» кичик корхонаси вужудга келяпти. Унинг хат-ҳужжатлари расмийлаштириб бўлинди. Хўжалик ҳисобида ишловчи кичик корхона режалари тайин. Халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган турли ускуналар, халқ истеъмоли моллари, енгил машиналарга эҳтиёт қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Пулли хизмат кўрсатиш тармоғи кенгаяди.

Кичик корхона раҳбари Бахтиёр Аҳмаджоновнинг айтишича, тижорат ишлари авж олади. Қўшни Тожикистонда, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида чоғроқ цехлар очилади. Уларда ёғ, кўйлак, пальто ва пойабзаллар ишлаб чиқариш ва сотиш йўлга қўйилмоқчи. Дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Бу тадбирлар иқтисодий жиҳатдан қийин шароитда корхона меҳнаткашларининг турмуш-тирикчилигини яхшилашга қаратилган. Шукур, ҳозир ҳам корхона ишчи-мутахассислари унча қийналишаётгани йўқ. Ёш оилалардан 10 кишига фоизсиз қарзлар берилди. Ҳиссадорлик йўли билан 2 та уй қурилмоқда. Уйлар битса, корхонада уй-жой масаласи ҳал бўлди, ҳисоб. Шаҳар ҳокимияти капитал қурилиш бўлими билан ҳамжиҳатликда 100 ўринли боғча, қорамолларни бўрдоқига боқиш базаси барпо қилинмоқда. Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ҳам ишчилар ошхонасига мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериб турибди. Шу йўл билан овқатлар нархи анча арзонлашмоқда.

Айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишчиларга 50 фоиз нархида сотиш йўлга қўйилди. 7 ойда ишчи-хизматчиларга 8 тонна сут арзонроқ нархда сотилди. Сариқўрғон дам олиш даргоҳида бир йўла 30—40 кеши шанба-якшанбада ҳордиқ чиқариб қайтиши тартиб-қоидага кирди.

Қўқон гўшт корхонаси маъмурияти ишчи ва мутахассисларни иқтисодий ҳимоялашнинг турли усулларидан шу тариқа фойдаланмоқда. Бу эса корхона иқтисодий-техника кўрсаткичларининг ортиғи билан бажарилиши, меҳнат жамоасининг тирикчилиги яхшироқ ўтишига кафолатлар яратмоқда.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

НОЁБ ДОРИЛАР ТОПШИРИЛДИ

● Жумҳурият Онкология илмий марказида ишлаб чиқарган дори-дармон маҳсулотлари билан дунёга машҳур Америкаликнинг «МЕРК» фирмаси ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Фирма президенти Бернар Бриганне шифохонага онкологик беморларни даволашда қўлланадиган ноёб дориларни хайрия мақсадида топширди. Фирма ходимлари марказ мутахассислари билан келажакда илмий ҳамкорлик қилишга ишонч билдирдилар. Марказ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. Муродхўжаев жумҳуриятимизда оғир иқтисодий шароит даврида дўстларимизнинг ёрдам қўлини чўзганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

Т. БОБОХЎЖАЕВ.

Д. Знёева 18 йилдан буён Сиёб ноҳиясидаги «Бинафша» номли 67-болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаб келмоқда.

У ҳозир кичик ёшдаги тожик группаси болаларига мураббиялик қилаётир.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

● *Қадриятларимиз*

ЕТИМ БОЛАЛАР КЎНГЛИНИ ОВЛАБ

●Пискентдаги мактаб-интернат ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва шу масканга Сайдаз Абдазов номи берилишига бағишланган тантана тўйга айланиб кетди.

Мактаб-интернатнинг ҳовлиси ҳар қачонгидан гавжумлашди. 20 нафар кичкинтой — тўй болаларга алоҳида дастурхон ёзилди. «Тўй ҳомийси Ёқуббек номли хусусий корхона» деган сўзлар кўзга ташланди.

Ҳомийлар — корхона ташкилотчиси Абдусаттор Рашидов бошлиқ ишбилармонлар бунёд этган 2 та ғишт заводи, керамика ва декоратив буюмлар цехларида фаолият кўрсатмоқдалар. Улар кунига 60—70 минг сўм даромад қилмоқдалар. Шу боис Абдусаттор Рашидов мактаб-интернатда таълим олаётган 4 нафар, район маркази, жамоа ва давлат хўжаликларида истиқомат қилаётган 16 нафар кичкинтойнинг суннат тўйларини ўтказишдек савобли ишга қўл урди.

Тўй тантанасини очган район ҳокими Абдусамад Носиров меҳмонларни муборакбод этиб, ҳомийларга миннатдорчилик билдирди. У мактаб-интернатга 20 йил директорлик қилган Сайдаз Абдазовнинг номини шу билим масканига берилиши ҳақида фикр юритди.

Сайдаз Абдазов 1918 йилда Чимкент вилоятининг Қоратош районидаги Турбот қишлоғида туғилган. Ота-онасидан эрта етим қолиб, болалар уйида тарбияланди. Кейинчалик Тошкентдаги 9-болалар уйида тарбиячи бўлиб ишлади. Ўқишга кирди, 1938 йили педагогика билим юртини тамомлади. Муаллимлар олий билимгоҳида ўқишни давом эттирди. 1942 йилдан Пискентдаги Энгельс номли мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай мактаб директори бўлди. Моҳир педагог 1944 йили район марказидаги болалар уйига раҳбарлик қилди. 1948 йили район халқ таълими бўлими мудири бўлди. 1962 йилдан мактаб-интернатга директор этиб тайинланди ва умрининг охиригача шу даргоҳда маърифат йўлида хизмат қилди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилган.

Тўйда мактаб-интернат мураббийлари Умарқул Усмонқулов, Саҳобат Рўзматова, Сайдаз Абдазовнинг синглиси Санобар Абдазова ва бошқалар ҳам дил сўзларини изҳор этдилар. Мактаб-интернатга Сайдаз Абдазов номини бериш тўғрисидаги таклиф тўй иштирокчилари томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Халқ артисти Наби Раҳимов, таниқли санъаткорлар Теша Мўминов ва Обиджон Асомов, «Соҳибқирон», гуруҳининг бадиий раҳбари Пўлат Носиров каби санъаткорларнинг чиқишлари кўпчиликка қувонч бағишлади.

Суннат тўйига ҳомийлар 500 минг сўм пул ажратишди. Район ташкилотлари ва фуқаролардан 250 минг сўм ҳайрия тўпланди. Жамоа хўжаликлари бир неча қорамол ва қўй тортиқ қилишди. Ана шу маблағлар ҳисобидан 20 нафар кичкинтойнинг ҳар бирига омонат касса дафтарчаси расмийлаштирилди. Хайрли тадбирга ХДП район Кенгашининг котиби Ҳ. Акромов, мактаб-интернат директори Т. Ғуломов ва тўй ҳомийси Абдусаттор Рашидовлар бошчилик қилишди.

Юбилей ва тўй тантаналарида ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев, ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов иштирок этдилар.

Мажид САМАДОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийси.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА

НУКУСДА ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

● Республикамиз мустақилликка эришгач, Туркия Ўзбекистонга маориф, маданият ва бошқа соҳалар бўйича яқиндан ёрдам кўрсатаётгани сир эмас. Куни-кеча Нукус шаҳрида туркиялик мутахассислар ёрдамида эр болалар лицейи очилди. Унга дастлаб 75 бола қабул қилинди. Шуни айтиш керакки, лицейни муваффақиятли тамомлаган ёшлар ривожланган мамлакатлардаги ўқув юртларига бориб билим олишларига имконият яратилади.

Лицейда ўқиш асосан турк, инглиз, қорақалпоқ тилларида олиб борилади. Болалар ётоқхоналар билан таъминланган. Уларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Лицейнинг очилишига бағишланган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Б. Юсупова, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Қорақалпоғистон республикаси кенгаши биринчи котиби А. Асанов иштирок этдилар. Махсус сафар билан келган Германия қизил крести жамияти бош секретари Рюмер раҳбарлигидаги делегация ҳам шу йиғилишда қатнашди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● НАВОИЙ

ТЕГИРМОН ТОШЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН КОРХОНА

● НАВОИЙ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида кичик корхоналар кўпаймоқда. Яқинда хўжаликда яна бир корхона иш бошлади.

Бу тегирмон тошлари тайёрлайдиган корхонадир. Қисқа вақт мобайнида корхона ишчиларидан Т. Дониев билан Н. Игнатенколар ўнлаб тегирмон тошларини сайқаллашди. Навоий ва бошқа вилоятлардан тегирмон тоши сўраб келувчилар сони кўпаймоқда. Хўжаликда шунингдек, мармар тошларни кесадиган кичик цех ҳам иш бошлади.

ХИТОЙДАН ШАКАР КЕЛТИРИЛМОҚДА

● «АЗОТ» ишлаб чиқариш бирлашмаси кимёгарлари хорижий мамлакатларга минерал ўғитлар етказиб беришни ривожлантиряптилар.

Шу йилнинг ўзида Япония, Монголия, Кореяга ўн минг тоннадан зиёд аммиак селитраси етказиб берилди. Ўз навбатида бу мамлакатлардан халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари олинди. Яқинда навоийлик кимёгарлар Хитойга ҳам минерал ўғитлар етказиб беришди. Хитойликлар эса навоийликларга кўплаб шакар юборишди. Арзон нархдаги шакар кимёгарлар, фахрийлар ва аҳолига тарқатилмоқда. Йил охиригача Хитойдан 150 тонна шакар олинади.

Музаффар ШАРОПОВ.

● АНДИЖОН

БИРЛАШМА ГАЗЛАМАСИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

● АНДИЖОН ип газлама бирлашмаси илгари энг қолоқ корхоналар қаторида тилга олинар эди. Давлатдан қарз олиб маош берилларди.

Бирлашманинг янги сайланган раҳбарияти мустақиллик имкониятидан фойдаланиб, эркин ҳаракат қилди. Ишлаб чиқариш қувватлари тўла ўзлаштирилди. Маҳсулот сифатини яхшилаш, ташмачиликка барҳам бериш соҳасида ибратли ишлар амалга оширилди. Оқибатда бирлашма қолоқлар қаторидан чиқиб, илғорлар сафига ўтди, қарздан қутилиб, фойда ола бошлади.

Бугун бирлашма тамғаси босилган газламалар Ўрта Осиё республикаларигагина эмас, балки жаҳон бозорига ҳам чиқди. У Покистон, Англия, Германия ва бошқа давлатларда сотиляпти. Айни вақтда Японияннинг «Кито», Германияннинг «Феррастал» ва «Бенимгири» фирмаларидан жиҳозлар сотиб олиш тўғрисида келишиб қўйилди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

Оқилжон ҲУСАН

БАРҚАРОРЛИК НЕЪМАТИ



● *Публицистика*

Бир йил муқаддам жумҳуриятимизнинг мустақиллиги эълон қилинганида қувончдан қалбларимиз бир қалқиб тушди. Ҳазилакам гапми ахир! Бир юзу ўттиз йил давомида эркию қадр-қиммати мустамлакачилар оёғи остида топталган халқнинг озодликка эришиши аҳамиятини дилида озгина миллий ғурури бор одам яхши тушунади.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон жумҳуриятининг мустақиллиги эълон қилиниб, 1 сентябрь Мустақиллик куни деб белгиланди. Бироқ ўша куни юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида деярли тантаналар бўлмади. Қувончлар ҳам, фахр ва ғурур ҳам асосан диллардан жой олганди. Ватандошларимиздан бири ўша кунги манзарани шундай ифодалайди: «Шаҳарда зўр тантана, байрам бўлиб ётгандир, деб кўчага чиқдим. Аммо кўчаларда ҳам, шаҳар марказидаги майдонларда ҳам ҳеч қандай ўзгариш кўрмадим. Одамлар кеча қандай бўлсалар, бугун ҳам шундай юришарди. Бозор расталари ҳам, савдо дўконлари ҳам худди аввалгидек эди...»

Бу гапга ишонса бўлади. Бундай манзарани ҳар ким ўзича ҳар хил талқин қилиши мумкин. Менинг талқиним эса қуйидагича: аввало, халқимиз оғир карвон халқ, қувончни ҳам, ташвишни ҳам вазминлик билан ўтказа олади. Қолаверса, халқимиз истиқлолнинг биринчи кунидаёқ нашъу намога берилиб кетишнинг бехосият эканлигини ҳис қилган бўлса ажаб эмас. Қандайдир ғалаба нашъу намосига берилиб кетиб, сўнггида шармандали аҳволга тушган кишилар тарихда кўп бўлган. Учинчидан, ўша куни ҳали мустақилликнинг биринчи куни эди, аниқроғи, мустақиллик ҳали оғизда эди. Уни чинакамига байрам қилиш учун дастлабки қадамларни босиш лозим эди. Ахир байрам ва тантаналар учун нималардир самарасини кўриш, нималаргадир эришиш керак бўлади-да.

Мана ўшандан бери роппа-роса бир йил вақт ўтди. Ўтган бир йил давомида мустақил жумҳуриятимиз кўп нарсаларга эришди, анча-мунча тажриба орттирди. Фуқароларнинг кайфияти ҳам маълум бўлиб қолди. Энг аввало шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг мустақиллиги анчамунча одамларнинг дилига ўтиришмади. Фақатгина собиқ Иттифоқ марказида юртни бошқарган акахонларгагина эмас, бошқа тоифадаги оғайниларга ҳам ёқмади жумҳуриятимизнинг алоҳида давлат сифатида эълон этилиши. Фақатгина Ўзбекистондан ташқарида эмас, республикамизнинг ичкарисида ҳам топилди мустақилликни ёқтирмаганлар. Ҳатто паспортида миллати ўзбек деб ёзилган айрим миллатдошларга ҳам ёқмади «истиқлол» деган сўз. Ўз вақтида уларга ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ҳам хуш келмаган эди. Ўзлигини унутаёзган, ўз она тилидан, ота-боболаримизнинг қадриятлару расм-русумларидан бехабар манқуртлардан нимани ҳам кутиш мумкин?!

Иккинчи бир тоифа кишилар, мустақиллик қон тўкилмасдан қўлга кирмайди, деган ақидамонанд гапни пеш қилиб сафсата сотдилар ва бундай «фалсафа» соҳиблари ҳозир ҳам истаганча топилади. Демак, 1916 йилги миллий-озодлик исёнлари пайтида тўкилган қонлар, фуқаролар уруши деб аталган даврда мингминглаб миллатпарварларнинг «босмачилар» тавқи лаънат билан маҳв этилиши, турли-туман қатағон йилларида халқ манфаатини ўйлаши мумкин бўлган зукко кишиларнинг қатл этилиши улар учун оз экан-да! Қолаверса, ўз халқи манфаатини ўйлашдан йироқ бўлган бир кимсанинг таърифи билан «Қулупнай воқеаси» деб атаб юборилган Фарғона фожиаси кунларида, кейинроқ Қўқонда, Ўшда, Паркентда, Бўкада тўкилган қонлар оз экан-да! Яна қон тўкилиши керакми? Бунча ҳам қонсирамасак!.. Айрим биродарлар, чамаси, бизнинг жумҳуриятимизда ҳам Гуржистондагидек, Тожикистондагидек воқеалар юз беришини кутаётганга ўхшайдилар. Алҳазар, алҳазар! Оллоҳу таолло юзини тескари қилсин ундай манзараларнинг!

Мустақиллик ҳақида ана шунақа сафсата сотадиганларни катта карвоннинг йўлига тўсиқ бўлаётганлар деб аташ тўғрироқ бўларди.

* * *

Қизиқ одатимиз бор: бирор рўзномада чиққан маълум бир мақолани ўқиймиз-да, унда ёзилган ҳамма гапни шундоқлигича ўзимизга сингдирамиз. Эртасига эса аввалгига тескарироқ фикр ифода этилган гапни ҳам шифокорнинг рецептидек ўзлаштирамиз. Ўзгараётган тузум ва тизимлар, бозор иқтисодиёти ва бошқа масалалар хусусидаги мулоҳазаларга муносабатимиз ҳам шундай бўлади баъзан. Мушоҳада юритиш, масалага танқидий нуқтаи назардан ёндашиш етишмай қолади.

«Август ойида катта ўзгариш бўлармиш... Августда ҳамма нарса арзон бўлиб кетармиш», деган гаплар тарқалди. Кейинроқ эса: «Мана, август ҳам келди, аммо ҳеч нарса арзонлашмади», маъносидаги таънали гаплар қулоққа чалинди. Бунақа гапларни оддий деҳқонлардан, ишчилардан эмас, дуппа-дуруст зиёлилардан эшитиш алам қилади кишига. Ўшандайларга савол бергинг келади: «Августда юз берадиган арзончилик нима ҳисобига бўлади— ўйлаб кўрганмисиз? Ёки Оллоҳ таоло осмондан ташлармикин: «Ол, қулим», деб? Ўрта Осиё минтақасига табиат инъом этган неъмат — августда юз берадиган ғарқ пишиқчилик наҳотки дилларимизга бироз таскин бермаса? Узбекистон бозорларидаги мева-чеванинг нарх-навосини лоақал бошқа минтақалар билан солиштириб кўрсангиз бўлмайдими?».

Ҳа, дўстлар, иқтисодиёт борасидаги ўзгаришлар бирданига юз бермайди, буни кўнглингиздан кечиринг, бугун осмонда бўлган нарх-ноаво эртагаёқ ерга тушиб қолмайди, астасекинлик билан арзонликка юз тутади. Бунинг учун битта-иккита одам эмас, қўлидан иш келадиган барча фуқаро ҳаракат қилмоғи лозим.

Сўнгги пайтларда зиёлилар орасида мустақил давлатимизнинг қайси йўналишдан бориши ҳақида баҳслар, мунозаралар бўлиб туради. Баъзан: «Туркия модулини бизда юз фоиз қўллаш мумкин эмас. Чунки Туркия билан Ўзбекистон табиий-географик жиҳатдан ҳам, маънавий-маданий жиҳатдан ҳам бошқа-бошқа мамлакат», деган мулоҳазалар бўлади. Тўғри, жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов Туркияга давлат ташрифи билан борганида ўша юртнинг модули хусусида сўзлади, бундай модул бизга маъқул, деди. Ахир бу гап фақат шу модул билангина иш тутамиз, бошқа модулларни ўрганмаймиз, деган гап эмас-ку. Ахир Президентимизнинг Саудия Арабистонига, Хитойга, Жанубий Кореяга, Филиппинга, Малайзияга, Индонезияга қилган сафарлари ҳам у кишининг иқтисодиётни яхшилаш мақсадида ривожланган давлатларнинг иш йўналишларини ўрганиб юрганини билдирмайдими?

Шу ўринда битта мулоҳаза. Туркия билан Ўзбекистон, ҳаммамизга маълумки, азал-азалдан қардош ва қариндош мамлакат. Ўзбеклар билан туркларнинг тиллари бир-бирига яқин, динлари, маҳаблари битта. Турклар бизнинг Ўрта Осиёни отамакон деб атайдилар, ўз юртларини онамакон дейдилар. Узоқ тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бу гапларда жон бор: ҳар иккала халқнинг илдизи битта. Бироқ, битта жиҳатни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак: қариндошчилик, ака-укачиликнинг ҳам меъёр-мезони бўлади. Туркия ривожланган мамлакат экан, деб ўша заминга бутунлай топиниш даражасига бориб қолмаслигимиз лозим. Яқинда мўътабар бир йиғинда Туркияни дурустгина ўрганган бир зиёли шундай мулоҳаза билдирди: Гапнинг очиғи, Туркияда Тошкентга тенг келадиган гўзал шаҳар йўқ. Ер ости метроси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Улардан нималардир ўрганишимиз керакдир, ўрганадиган жиҳатлар бор, албатта. Бироқ тенглик асосида, ғурур ва нуфузимизни ерга урмаган «ҳолда ҳамкорлик қилмоғимиз лозим.

Менимча, анча жўяли гап бу. Фақатгина битта-иккита дўстга юкиниб қолмаслигимиз, бошқа дўстларни ҳам унутмаслигимиз зарур. Жумҳуриятимиз ёш мустақил давлат сифатида жаҳондаги кўп мамлакатлардан, шу жумладан Туркиядан ҳам айрим тажрибаларни ўрганиши, қўллаши лозим.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши ва янги йўналишларга ўтилиши муносабати билан шаҳар ва қишлоқларимизда тижорат-воситачилик дўконлари пайдо бўлди ва кўпайиб қолди. Узоқ йилларгача бери бир қолипда яшаб келган айрим кишиларга бу нарса ёқмаяпти. Ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардай кўпайиб кетди тижорат дўконлари. Халқнинг етти қават терисини шилиб олаяпти улар. Йўқотиш керак уларни, ёпиш керак» ва ҳоказо...

Бундай мулоҳазаларга унча қўшилиб бўлмайди. Бор нарсани йўқ қилиш осон, йўқдан бор қилиш қийин. Ҳали ўзимизнинг енгил саноатимиз халқимиз талабини қондириш даражасига етмаган, айрим кичик корхоналар энди ташкил бўлаётган, оёққа тураётган бир пайтда тижорат-воситачилик дўконларининг тақатақ ёпиб қўйилишини бир кўз олдингизга келтиринг. Қимматчилик яна ҳам авж олмайдими? Жамиятимизнинг манзараси яна ҳам туссиз, кўрксиз бўлиб қолмайдими?.. Ҳар қалай қиммат бўлса ҳам бори яхши — кучи етган олади, яъни иқтисоди кўтарган одам, ўзининг ёки фарзандининг бирор ҳавасини қондиришни истаган одам хоҳлаган буюмларини харид қилаверсин.

Бироқ, шу ўринда бошқа бир мулоҳазани билдирмоқчи эдим. Бизда (бу борада собиқ Иттифоқдаги бошқа жумҳуриятларни ҳам кўзда тутаяпман) муомала маданияти ғоятда ғариб, қолоқ. Бу жиҳатдан чет эллардан кўп нарса ўрганишимиз керак. Масалан, савдо тармоқларига, жумладан, ҳозир тилга олганимиз тижорат-воситачи дўконларимиздаги муомала маданиятини тасаввур қилайлик. Қандайдир бир эзгулик истаб, ниманидир харид қилиш илинжида дўкон остонасини босиб ичкарига кирасиз. Сотувчиси тушмагурлар сизга қайрилиб ҳам қарашмайди, ҳатто тортинибгина берган саломингизга ҳам алик олишмайди. Бамисоли шундай гўзал, чиройли дўконда одам эмас, қандайдир маҳлуқсифат кимсалар ўтирибди — бошқача таъриф бериш мумкин эмас! Ҳафсалангиз пир бўлиб, кайфиятингиз тушиб, харид қиладиган нарсангизни ҳам эсингиздан чиқариб изингизга қайтасиз... Менимча, тижорат дўконлари хусусида сўз кетганда, асосий нишонни муомала маданиятига қаратмоқ даркор. Токи муомала маданиятидан бехабарлар — гердайганлару бурнига хода етмайдиган даражада қаққайганлар савдо тармоқларида ишламасинлар... Қандайдир маънода бундай нохуш манзара ҳам эндигина истиқлол олган мамлакат учун қусур бўлиб тушади.

* * *

Ўзбекистон деб аталган бу қадимий юрт халқи азал-азалдан ҳалол меҳнату одил имонни ўзининг муқаддас туғига айлантириб кун кечирган. Тарихнинг айрим нуқталарида бу интизому эътиқод кимлар томонидандир лат еган бўлиши мумкин. Лекин меҳнат-машаққат, пешона тери эвазига кун кўриш, шу эвазга бошқа халқларни ҳам боқиш ўзбек халқи учун одат бўлиб келди ўшандай нуқталарда ҳам. Ҳалол меҳнат бу халқ учун ерга муҳаббат, Ватанга муҳаббат рамзига айланиб кетган. Ўзбек деганн ҳеч қачон курорту санаторийга қаттиқ меҳр қўйган эмас, кўллар ва анҳор қирғоқларида эркагу аёл ап-аралаш бўлиб чўмилишни ҳам ёқтирмайди, оддий бадантарбия-ю тоғларга чиқиб чанғида учиш ўрнига ҳам меҳнат қилади. Бирда-ярим табиатнинг гўзал, гўшаларига чиққудай бўлса ҳам ўша жойни чиқиндилар билан булғаб қайтмайди. Митинглару иш ташлашлардан кўра ўз юртининг осойишталигини афзал кўради. Дастурхон устида фотиҳа ўқиганида: «Кетмас давлат, хотиржамлик, дили бегамликни бергил, худойим», деб қўлини юзига суртади.

Ҳа, хотиржамлигу тинчликда, юртнинг барқарорлигида ҳикмат кўп. Яқинда биз — бир неча нафар адиблар Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказдик, пахтакорлару боғбонлар, чорвадорлару кекса онахонлар, отахонлар билан учрашдик. Улар билан бўлган мулоқотларнинг мазмун-моҳияти ҳам хотиржамлик, осойишталик, барқарорлик сўзлари атрофида бўлди.

Сирдарё вилоятида, аниқроғи Янгиёр шаҳрида ватандошларимиздан бири халқимизнинг тилагу кайфиятини шундай ифодалади:

— Ишбилармон одамлигим билан мақтанмоқчи эмасман. Ҳар хил сабаблар билан ўттиз икки мамлакатда бўлдим. Аммо ўзимнинг юртимдай гўзал, севимли юртни кўрмадим. Эҳтимол, бу менинг ўз ватанимга бўлган меҳр-муҳаббат билан боғлиқдир. Ана шу юртнинг ҳамиша тинч, осойишта бўлиши тилакдошимман. Ишонсаларингиз, ҳар куни кечқурун юртимизнинг сардори Ислом Каримовга сиҳат-саломатлик тилаб уйиқуга кетаман, эрталаб турганимда эса, у кишига ғайрат ва шижоат, юртимиз барқарорлиги йўлида бажараётган саъй-ҳаракатларида у кишига қатъий ирода ва матонат тилайман.

Ҳа, ўз мамлакатининг келажаги учун, фарзандлари ва невараларининг ғурурли ва чинакам имон-эътиқодли инсонлар бўлиб яшаши учун меҳнат қилаётган халққа осойишталигу хотиржамлик керак. Зеро, дастурхонлардаги қут-баракадан тортиб, қалбларимиздаги юксак орзу-истаклару имон-эътиқод ҳам барқарорлик неъматининг қай даражада эканлигига жуда-жуда боғлиқдир.

Хуллас, катта карвон йўлда. Илоҳим, бу карвоннинг йўллари оқ бўлсин, улуғ сафаримиз бехатар бўлсин! Барқарорлик неъмати бизнинг ҳамишалик насибамиз бўлсин!

1. 2. 3. 4.

● *Куюнчак муштарий мулоҳазаси*

НОМЛАРИ · ЎЗИГА ЯРАШАДИМИ?

● Жумҳуриятимизда радио ва телевидение эшиттиришлари, ҳамма ёзувлар ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш ўзбек тилида амалга оширилаётганлигига қарамай баъзи чалкашлик ва ноаниқликлар ҳам учрамоқда. Ўзбек тилининг бойлигидан фойдаланишга етарли эътибор берилмаяпти.

Жумладан, Ўзбекистонда асосий экин ҳисобланган ғўза ҳамма жойда «пахта» деб юритилади. Ваҳолонки, ғўзанинг уруғи чигит, ўсимлиги ғўза, берадиган маҳсулоти (ҳосили) эса пахтадир. Ҳеч ким пахтани экмайди, чопмайди, суғормайди. Пахтани териш, қайта ишлаш мумкин. Ундан тола ва чигит чиқади. Толадан ип, газлама тайёрланса, чигитдан мой, пўчоқ (шелуха) ва кунжара олинади. Демак «пахта мойи» дейиш нотўғри «чигит мойи» дейиш керак. Чигит ғўзанинг уруғидир. Чигит экилади, ғўза ўстирилади, пахта терилади.

Негадир жумҳуриятимизда йўнғичқанинг ҳам номи унутилиб, бу экин (беда) деб юритилади. Ҳақиқатда эса беда — бу ўриб олиб, қуритилган йўнғичқадир. Қуритилган йўнғичқани «пичан» деб хатога йўл қўйилган. Аслида пичан деб ўриб олиб қуритилган ҳар хил ёввойи (бегона, экилмаган) ўсимликларга айтилади. Узум «ток» ўсимлигининг меваси. У етиштириладиган дала токзор ҳисобланади. Кўп ҳолларда «канакунжут» деб юритиладиган экиннинг асл номи канадонадир. Чунки унинг уруғи чорва молининг қонини сўриб, тўйиб олган канага ўхшайди.

Ҳозиргача нўхат билан горохни бир-бирига алмаштириб айтиш, ҳатто ёзиш давом этмоқда. Нўхат Ўрта Осиёда ва Кавказ ортидаги мамлакатларда қадим замонлардан буён экилиб, фойдаланиб келинади. Горох эса XX асрда бизнинг жойларга Россиядан келиб қолган экин. Унинг маҳаллий номи йўқ. «Хашаки тури» дала горохи, «хўраки тури» «экма горох» деб юритилиши керак. Бошқача ном бериш мутлақо нотўғри. Ахир, рус тилида кунжут «кунжут», ловия «лобия», мош «маш» тарвуз «арбуз», ўрик «урюк» дейилади-ку. Кўп кишилар бизда илгари экилмаган фақат кейинги вақтда тарқалган фасол экинини лобия деб хатога йўл қўядилар.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ҳаммамиздан уни яхши билишни, шу тилда тўғри ёзиб, чиройли гапиришни талаб этади. Тилимиз жуда бой. Бундан тўғри ва усталик билан фойдаланиш, бу тилни янада бойитиш ҳисобига кучайтириш лозим. Ўзбек тилидаги кўп сўзлар унутилиб, уларнинг ўрнига бошқа сўзлардан фойдаланилмоқда. Масалан, «баҳорикорлик» сўзининг ўрнига «лалмикорлик» айтиладиган бўлди. «Утюг» сўзи унутилиб, ўрнига «дазмол» ишлатилади. Ўзбек тилидаги шакар сўзи рус тилида «сахар — песок», «қанд» эса «сахар — рафинад» маъносини беради. Қоғоз халтачаларда эса «қанд шакар» деган ёзувни ўқиймиз. Рус тилида «зеленый чай» дейилади, ўзбек тилига эса «кўк чой» деб нотўғри таржима қилинади. Ҳақиқатда «яшил чой», «яшил озуқа» «яшил ўғит» каби сўзлардан фойдаланиш керак. Осмоннинг ранги кўк бўлса, ўсимликларнинг ранги яшилдир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, ўзбек тилининг равнақи учун ҳамма баробар жон куйдириши лозим.

Тўхтамурод САФАРОВ,
биология фанлари номзоди.

Шаҳарликлар дастурхонига кўплаб узум етказиб бераётган Жондор районидаги «Андижон» давлат хўжалигининг Очил Бозоров етакчилик қилаётган бригада аҳли эришаётган ютуқлар кўпчиликни қувонтирмоқда.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Очил Бозоров.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ФЕРМЕРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Кўп раҳбарлар лавозимидан олинса, шу ерлик кишилар билан муомала қилишолмай, тезроқ кўчиб кетишга ҳаракат қилади. Лекин Қудрат Шербеков ундай қилмади. 13 йилдан бери бирга ишлаган, қадрдон бўлиб қолган одамлардан узоқлашиб кетолмади. Аввалгидек, ҳудди директорлик пайтидагидек ҳамма билан апоқ-чапоқ бўлиб ишлаб юраверди. Бирор киши унинг раҳбарликдан олинганлигини юзига солмади. Дарҳақиқат, ўша «пахта иши» даврида совхоз директори Қудрат Шербеков ҳам ишдан олинди, партиявий жазо олди. Дили пок, нияти холис, инсон, асл чўлқувар ўз бошига бундай маломат тошлари ёғилишини тушида ҳам кўрмаганди.

Салла ол деса, калла олувчилар кўпчилик директор ҳалол, виждонли одам, унга тегманглар, деса ҳам адолатсизлик қилишди. Қудрат ака қалбини яралашди. Лекин у руҳан тушмади. Тезда қаддини кўтариб олди. У адолат тантана қилишига ишонарди. Белини боғлаб далага йўл олди. Бригадирлик қилди, катта бўлимга агрономлик қилди. Болаларини қаноти остига олди. Умр йўлдоши Турсуной ая билан 10 нафар фарзандни меҳнатсевар, ҳақгўй, одамохун кишилар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилди.

Кунларнинг бирида у Дўстлик районидаги Мамажон Дадажонов номли давлат хўжалиги директори Абдужалил Алиқобилов ҳузурига борди. Мақсадини тушунтирди. Директор унга меҳр билан тикилиб:

— Эл ғамида куйиб-пишган инсонларни ёқтираман-да. Бу ишингиз қойил бўлибди. Кўпчилик иккиланаётганди. Омадингиз юришса, фермер хўжалиги ривожланиб кетади, — деди.

Қ. Шербеков икки йил муқаддам давлатдан 72 минг сўм қарз кўтариб, совхозда биринчи бўлиб фермер хўжалигини ташкил этди. Оила аъзолари хайрли ишга астойдил бел боғлашди. Бозордан мол сотиб олишди. Кейин қурилиш материаллари сотиб олиб, яхши молхона қуриб олишди. Катта ўғли Бахтиёр олий маълумотли инженер эмасми, хонадон фермасида қурилган молхонада кўп ишларни механизациялаштиришди. Охурларга ем-хашак солиш, суғориш, озуқа олиб келиш механизация ёрдамида бажариляпти. Совхоздан ажратилган транспорт трактори ва 2 та тележка учун аммортизация ҳақи ҳам тўлаб бориляпти.

Қудрат аканинг отаси асли чорвадор эди. Чорвага меҳрини отасидан ўрганди. Фермерлик хўжалигини йўлга қўйишда ҳам отасидан ўрганган тажрибаси унга қўл келди. Тўғри, дастлаб моллари емиш билан таъминлашда қийналса-да, руҳан тушмади. У фермерлик хўжалигини оёққа турғазиб олишда бирор марта ҳам у кам, бу кам, деб раҳбарларни безовта қилмади. Ахир у, ҳам раҳбар бўлиб ишлаганда! Қийинчиликлардан чўчимади. Идора остонасидан хатлаб ўтиб емиш ҳам, енгил машина ҳам сўрамади. Аксинча, тадбиркорлик билан иш тутиб, чорва моллари бош сонини кўпайтириб борди. Бу ерда ҳар бир тадбир сифатли амалга оширилади. Озуқадан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Хонадон фермасида жониворлар сони қирқтага етди. Соғин сигирлар эса 15 тадан ошди. Қудрат аканинг 15 та новвоси ҳам бор. Ўғиллари Олимжон, Бахтиёрлар фермер хўжалигида молбоқарлик вазифасини сидқидилдан бажаришяпти. Катта оила бекаси қаҳрамон она Турсуной ая атрофига қизлари ва келинларини олиб сут соғиб олянти. Ҳозир кунига 150 — 160 литр атрофида сут соғиб олинмоқда.

Совхозда фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Қудрат Шербеков хонадони икки йилдан бери шу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу оила давлатдан беш йил муддатга олган 72 минг сўм қарздан бир йилнинг ўзидаёқ узилди. Тер тўккан муродига етар экан. Қ. Шербеков хонадони 1991 йилда 9 тонна гўшт, 30 тонна сут топширди. Шу йилнинг ярмида шунча сут сотилди. Оила чорвадорлари бу йил аҳоли дастурхонига камида 40 тонна гўшт етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар.

Катта оилада 40 дан ортиқ одам бор. Барча аҳил, меҳр-оқибатли, меҳнат нонини баҳам кўришяпти.

— Совхоз ихтиёримизга 40 гектар ер ажратиб берган, — хурсандчилигини баҳам кўради Қудрат ака. — Озуқа муаммоси ҳам ҳал этиляпти. Шукурки, фермерларга бўлган муносабат тубдан ўзгармоқда. Ахир, хонадонларда бўлса нафини кўпчилик кўради-да!

Халқимизда оққан дарё оқаверади, деган гап бор. Ноҳақлик, қуруқ туҳмат Қудрат Шербековнинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилганди. Лекин адолат тантана қилди. Умрининг 30 йилини чўлга бағишлаган, меҳнат машаққатларидан бошқа нарсани билмаган Қудрат Шербеков кўп қатори бутунлай оқланди. У партия сафига тикланди. Яқинда унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Қудрат Шербеков «Бунёдкор» қишлоқ Кенгаши раиси этиб сайланди. Оилавий фермер хўжалигини бошқариш эса ҳозир унинг ўғли, механизатор Б. Шербеков зиммасида.

— Ишончни оқлаётганимдан хурсандман, — дейди Қудрат ака. — Эндиликда фермерлар кўпайди. Ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, муаммоларни ҳал этяпмиз. Илғорлар тажрибаси кўпчилик мулкига айланмоқда. Қудрат Шербеков сингари палаги тоза, имони бутун кишилар меҳнати самарасидан эл-юрт ҳам манфаатдор.

Т. СОЙНАЗАРОВ.

● СПОРТ ●

УМИДЛИ ПОЛВОНЛАР

● НАМАНГАНда эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.

Мусобақада Фарғона вилояти вакиллари қатнашмади. Ваҳолонки, бошқа шаҳар-қишлоқлардан йиғилган ёшлар юздан ошиб кетди. Вазнлар бўйича С. Илёсов, А. Зуфаров, Б. Жапақов, И. Мансуров, В. Малов, Д. Бердиқулов, Т. Бўрибоев, О. Пронин, Ш. Абдусоатовлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Мутахассислар умидли полвонлар камол топаётганидан мамнун бўлишди.

«ПАХТАКОР» — ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоаларн ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди.

«Наврўз» — «Шаҳрихончи» ўйинн 7:0 ҳисобида тугади. «Нефтчи» футболчилари «Навбаҳор» майдонида ютқазиб (0:2) қўйишди. Улар 39 очко билан иккинчи ўринда боришмоқда. Тракторсозлар майдонида 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган пахтакорчилар 41 очко билан ягона пешқадам бўлиб туришибди.

ТАҚРИЗ

● «Сулаймоновлар оиласи» деганимизда илм заҳматкашлари, ўзбекнинг чин маънодаги халқсевар фарзандлари, пок, ҳалол инсонлар марҳум буюк олим Ҳамид Сулаймон, кўпгина адабиётшуносларнинг устози фан доктори Фозила Сулаймонованн тасаввур этамиз. Тоталитар тузумнинг қурбони — домламиз Ҳамид ака 20—30- йиллар маданият арбобларининг бири, қамоқ лагерида отиб ташланган Сулаймон Хўжаевнинг ўғли бўлгани учун 25 йилга қамоққа ҳукм қилинган, оиласи ҳам чексиз азият чеккан эди. Ҳибсдан 1955 йилда озод этилган Ҳамид ака Совет ҳукумати мени не азобга солди, деб дарғазаб бўлиб, аччиғланиб юрмади. Ҳақиқий олим, миллатпарвар, ўзбек халқининг қадриятлари жонкуяри сифатида яна она Ватани ва халқига астойдил хизмат қилишга киришиб кетди. У қолган умрини ўзбек адабиётига хизмат қилишга, хусусан, Алишер Навоий адабий меросини чуқур ўрганишга бағишлади. Жаҳондаги архивлар ва кутубхоналар фондларидан ноёб қўлёзмалар, бизга номаълум бўлган асарлар ва адибларни топиб, ўзбек маданияти хазинасини бойитди. Адабиёт музейи, Қўлёзмалар институтини ташкил этди.

Домланинг шогирди, умр йўлдоши Фозила опа эса Ҳамид аканинг бевақт вафотидан сўнг унинг ишларини давомийлиги ва ниҳоясида давом эттирди. Бинобарин, олима халқимиз онгини ошириш, руҳини кўтариш борасида ҳалигача ҳеч ким қилмаган ишни амалга оширди. Чунончи «Шарқ ва Ғарб» деб аталган илмий рисоласида расмий фанда ўрнашиб қолган Туркистон ўтмиши маданиятини менсимасликни бузиб ўтиб, ғайри илмий қарашларни рад этиб, далиллар асосида минтақамиз инсоният маданиятининг қадимий ўчоқларидан бири эканини исботлаб берди. Ана шундай миллатпарвар, фидойи одамлар халқимизни истиқлол учун руҳан тайёрлашга катта ҳисса қўшганлар. Хайрли ишни давом эттиришда Фозила опага муваффақият тилаб қуйида республикамиз «Фан» нашриёти босиб чиқарган «Шарқ ва Ғарб» рисоласига ёзилган тақризни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ИЛМДА ЎЗИГА ХОС ЖАСОРАТ

ФАРҲОД Искандар кўзгуси тилсимини ечмоқ мақсадида Юнон мулкига сафар қилади. Суқрот ҳаким ҳузурига етишгач, буюк донишманд унга мурожаат қилиб:

— Эй вужуди дарду алам бирла йўғрилган, пешанасига азалдан ишқ битилган инсон! Хуш келибсан! Сен бизга поклик келтирдинг, қоронғу уйимизни равшан этдинг. Мен минг йилдан бўён шу тоғлар орасида пойи қадамингга интизор эдим. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, юзингга кўзим тушти, сени топдим», — дейди ва унга инсон ҳаётининг асл мақсади ҳақида тушунча бериб, уни келажак сари «Мажоз ишқи» сари — йўллаб, ўзи дунёдан кўз юмади.

Суқрот — Навоий достонида қадим Юнон донишмандлигининг юксак тимсолидир. Бу бежиз эмас, албатта. Фарҳод эса минтақа маданиятидаги уч қондош биродарнинг бири — туркизабон халқлар маънавий камолоти жараёнини ўз ҳаёт йўли орқали мажозий тажассум этган зотдир.

Дарҳақиқат, қадим Румнинг таназзулидан турк ўғлони Фаробий Юнон фалсафасини ўзлаштириб, янада юқорироқ босқичга кўтарилгунича ўтган давр ўн асрдан кам эмас эди. Суқрот тимсолида Юнон илми ошиқ йигитни минг йил кутди. Аммо Фарҳоднинг ўзлигини англаб етиш сафари (ҳижрати) машаққатли ва мураккаб эди. Бу йўлда Суқрот ғори биринчи манзил эмасди. У аввал афсоналар манзилида аждаҳони енгиб ўтмоғи, сўнгра зардўштий маданиятидаги ёлғончи руҳ — Аҳраманни ҳалокатга учратиши ва ниҳоят учинчи манзилда темиртан тилсимни маҳв этгач, Суқрот суҳбатига эришмоғи мумкин бўлди. Навоий таъкидлайди:

Бу уч манзилдан
ўткарганга маҳмил,
Дейилган тоғ эрур
тўртинчи манзил.

Демак, аждодларимиз учун маънавий камолот йўлида қадим Юнон маданияти «тўртинчи манзил» мақомида экан. Муҳтарама ва зукко олима Фозила опа Сулаймонова ўзининг «Шарқ ва Ғарб» рисоласида худди ана шу «манзил» (босқич)нинг олдинги ва кейинги «манзил» (босқичлар) билан муносабати ҳақида сўз юритади. Унда афсоналар (асотирлар) даври Ўрта Осиё маданиятининг грек маданиятига таъсири, зардўштийлик таълимоти асослари билан қадим Иония донишмандлар гуруҳи — Фалес, Анаксимандр, Анаксимен ва илк тазод фалсафасининг отаси Ҳераклит таълимотлари орасидаги боғланиш, Скилак, Гекатей, Ктесий, Ҳеродот, Диодор, Страбон каби қадим юнон тарихчиларининг Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятига оид маълумотлари батафсил таҳлил этилган. Маълумки, Фалес Мидия ва Эрон билан яқиндан танишган, Анаксимандр зардуштий муғ (коҳин)лари билан мулоқотда бўлган эди. Шу сабаб уларнинг табиат ва коинот ҳақидаги қарашлари кўп жиҳатдан қадим Ўрта Осиё ва Эрондаги мавжуд тасаввурлар билан ҳамоҳангдир. Бу, айниқса, кейинчалик мукаммал шаклланган 4 унсур (олов, сув, тупроқ, ҳаво) ҳақидаги таълимотда ёрқин кўринади. Ҳераклитнинг тазод (қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши) ҳақидаги назарияси эса бевосита Ҳурмуз (Аҳура-Мазда) ва Аҳриман (Ангра-Маньюс) — Ёруғлик ва Зулмат, Яхшилик ва Ёмонлик руҳлари — орасидаги кураш фалсафасидан келиб чиқади.

Рисолада, айниқса, Ҳеродотнинг «Тарих» китобидаги қадим Хуросон ва Мовароуннаҳр (Амударёнинг бериги тарафи) ҳақида келтирилган маълумотлар муфассал қиёсий тадқиқ этилган. Олима скифларнинг афсонавий аждоди ҳисобланмиш Тарғитой ва унинг уч ўғли ҳақидаги Ҳеродот келтирган маълумотларга алоҳида аҳамият беради, бу асотирнинг эрон мифологиясидаги Фаридун (Траетон «Авесто»да) ва ўғиллари афсонасига ўхшаб кетиши, аммо туркий тиллар асосида изоҳланиши ишонарлироқ экани масалан, Рашиддудин асаридаги «Тарғут» қабиласи» ҳақида мулоҳаза билдиради, скифлар эътиқод қилган Табити, Папай, Апи ва бошқа маъбудлар ҳақида ўз фикрларини изҳор қилади. Бу ўринда грек тарихчилари билан уйғун равишда Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг IX асрдаёқ «Скифия мамлакати — бу турклар еридир», деб таъкидлаши диққатга сазовордир.

Ф. Сулаймонова хулоса қилиб, қадим юнонлар тилга олган «скиф» ва «сак» қабилалари ҳам туркий, ҳам эроний кўчманчи чорвадор халқларни ўз ичига олган бўлса керак, дейди-ки, бизнинг назаримизда ҳам бу фикр ҳақиқатга яқиндир.

Китобда келтирилган далиллар қадим Ўрта Осиё маданий ва маънавий дунёсининг таъсири, скиф асотирлари ва зардуштийлик эътиқоди унсурлари то XV—XVI асрларгача ҳам Ғарбда ва ҳам Шарқда барҳаёт бўлганлигини ишонарли очиб берган.

Рисоланинг биринчи ярми қадимги Грециядаги Ўрта Осиё халқлари маданиятининг таъсири ҳақида сўзласа, иккинчи ярми Юнон дунёсининг Ўрта Осиёга кириб келишидан ҳикоя этади. Бу ҳикоя асосан Искандари Мақдуний (Александр Македонский)нинг истилолари ва унинг Шарқ адабиётидаги талқини ҳамда Ўрта Осиё маданиятидаги эллинизм ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда кечган. Буюк файласуф Арастунинг таълимини олган, 19 ёшида тахтга ўтирган Искандар 6 йилдан сўнг 25 ёшида (мелодий эрадан 330 йил илгари) Бақтрия ерларига бостириб кирди ва Амударёнинг бериги қирғоғини ўз тасаррофига кирита бошлади. Иккишоҳли қўчқор қиёфасида тасаввур қилинадиган қадимги Миср худоси Амоннинг ўғли деб эълон қилинган Искандар Зулқарнайн (икки шохли) лақаби билан Қуръон матнига ҳам кириб келиши бежиз эмас эди. Устози Арасту ўзининг бутун донишмандлигига қарамай, фақат грекларни маданиятли халқ деб билар, бошқа барча элатларни «варвар» (ёввойи) атаб, уларни фақат қул бўлишга лойиқ топар эди. Албатта, шуҳратпараст ёш Александр шафқатсизлик билан фотиҳлик ҳавасига берилди. Аммо Шарққа кириб борган сари у ва унинг лашкарлари эллинларга маълум бўлмаган қадим маданият, ўзига хос меъморчилик анъаналари асосида қурилган шаҳарлар, сеҳрли санъат, юксак маънавият билан, давлатни бошқариш ва турмуш юритишнинг ўзгача тартиблари билан аста-секин танишиб бордилар. Александрнинг бир яхши феъли — ўзи босиб олган юртда ҳар қанча талон-торож қилса ҳам, ерли халқ миллий урфи—одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлар эди. У маҳаллий анъаналарни бора-бора ўзлаштириб, уларни эллин маданияти билан уйғунлаштиришга киришди. Маҳаллий зодагонлар билан грекларни тенг кўра бошлади, аралаш никоҳларни йўлга қўйди, натижада тадрижий равишда «Шарқ—Ғарб» синтези вужудга кела бошлади, «халқлар, урф-одатлар, қонунларнинг қоришмасидан яхлит бир халқ, маданият, синтезлашган дин яратиш, Греция ва Македонияга забт этилган халқларни қўшиб янгича яхлит давлат тузуми барпо этиш» ҳаракати ривож олди. Албатта, бу хаёл эди, аммо Искандар Зулқарнайн номи тарихга кириб қолиши учун, айниқса Шарқ адабиётидаги мураккаб ва улуғвор бадиий тимсолнинг қад кўтариши учун ушбу ният, ушбу ҳаракат кифоя қилди. Александр Македонскийнинг жаҳон адабиётидаги тимсолига бағишланган асарлар, илмий тадқиқотлар кўп. Аммо уларнинг баъзилари Шарқ, баъзилари Ғарб адабиёти нуқтаи назаридан туриб ёзилган. Ғарб ва Шарқ адабиётларини тенг кўз билан кўриб, тенг ўрганган зукко олима Фозила Сулаймонова бу масалада ҳам ўз талқинини яратишга муваффақ бўлган.

Шундай қилиб, араб-форс — турк тилларида ўзаро қондош халқлар томонидан яратилган улуғ маданият ва маънавият силсиласида қадим Юнон маданияти билан яқиндан ошнолик ҳам ўзига хос бир босқич бўлган эди. Бу манзил Ғарб ва Шарқ халқлари, Европа ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари, жумладан, туркийзабон халқларнинг дастлабки учрашув ва уйғунлашув манзили эди. Ушбу манзил сирларини бизга ошно этгани учун биз қадрли Фозила опадан миннатдор бўлмоғимиз керак. «Шарқ ва Ғарб» рисоласининг аҳамияти шундагина эмас. Маълумки, дунё олимлари Яқин ва Ўрта Шарқ меросини ўрганиш, унинг Ғарб маданияти ривожига таъсирини баҳолаш борасида анча-мунча тадқиқотлар яратишган. Аммо шулар орасида Ўрта Осиё халқларининг мероси кўпинча сояда қолиб кетар ёки Араб ва Эронга оид деб шарҳланар эди. Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар ҳам кўпроқ ислом даври ҳақида бўлган. Бизнинг қадим маданиятимизнинг Юнон маданиятига таъсири бундай кўламда биринчи марта иқтидорли олимамиз томонидан очиб берилди. Ушбу ташаббус биз каби бошқа тадқиқотчилар учун ҳам ўрнак бўлмоғи, Ўрта Осиё халқлари маданияти шаклланишининг дастлабки босқичлари, уларнинг қадим Миср, Ироқ ва Шам (қадим Месопотамия), Ҳинд ва Эрон, Хитой билан алоқа ва муносабатларини мустақил тадқиқ этмоғимиз ва топганларимизни халққа етказмоғимиз лозим.

Мақола охирида бир мулоҳаза айтмасак бўлмас. Рисола рус олимлари И. Б. Шишкиннинг «У стен великой Намазги», Е. Е. Кузьминанинг «В стране Кавата и Афрасиаба» сингари китоблари каби оммабоп руҳда ёзилган, бу камчилик эмас, балки муаллифнинг ютуғидир. Чунки, бу билимлар кенг китобхон оммасига сув билан ҳаводек зарур. Афсус, шундай китоб турли нашр идораларининг «Ўринли» баҳоналари билан 600 нусхага ҳам етар-етмас миқдорда босиб чиқарилган. Шу боис жуда тор мутахассислар доирасида ҳам тўлиқ тарқалиб улгурмай тамом бўлди. Бунга энди изоҳ ортиқча.

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,
филология фанлари доктори.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

30 СЕНТЯБРДА
УРГАНЧ
ШАҲРИДА

Жамғарма Банки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ ИККИНЧИ ТИРАЖИ ЎЙНАЛАДИ!

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ЭҲТИМОЛ, 250000 СЎМЛИК ЭНГ КАТТА ЮТУҚ СИЗГА ЧИҚИБ ҚОЛАР.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ, АГРОСАНОАТ БАНКИ, ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ЭРКИН СОТИЛМОҚДА ВА СОТИБ ОЛИНМОҚДА.

РЕСПУБЛИКА ЗАЁМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ БИЛАН СИЗ РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШГАН БЎЛАСИЗ.

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ ТИРАЖ ЎЙИНИДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

БАҲОСИ БОЗОР НАРХЛАРИДАН 2 БАРАВАР АРЗОН!

Ташқи савдо ташкилоти қуйидаги маҳсулотларни сўмлар эвазига улгуржи миқдорларда сотади:
ГФРда ишлаб чиқарилган аъло сифатли уч хил:
ёнғоқли;
сутли;
аччиқ. шоколад .100 г.

ГФРда ишлаб чиқарилган совға қутичаларидаги шоколадли конфетлар. Данияда ишлаб чиқарилган уч хилдаги аъло сифатли резина сақич. Москва шаҳридаги омбордан зудлик билан таъминланади. Манзилга етказиб берилиши ҳам мумкин.

Чет элда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан шартномалар тузилмоқда. Таъминлаш ва шартнома тузиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Москва, Народное ополчение кўчаси, 21-уй, .Детский мир. дўкони биносидаги .ИНОПТТОРГ. улгуржи савдо дўкони.

Телефонлар: /095/ 197-68-75, 378-11-35.
Факс /095/ 3781135.

АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Президент Фармонига биноан «Сурхандарётранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Денов автобус-такси корхонаси директори ўртоқ Комилжон САПИЕВ Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Комилжон Сапиев раҳбарлик қилаётган автокорхонамиз ходимлари йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатиш билан бир қаторда, ҳозирги қийинчилик даврида ҳам давлат режа ва топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан бажариб келаётир.

Комилжон автомобиль транспорти соҳасидаги йигирма йилдан зиёд меҳнат фаолияти мобайнида ташкилотчилик, тадбиркорлик, талабчанлик бўйича юқори малака орттирди. Денов автобус-такси корхонаси унинг раҳбарлигида бир неча бор вилоят, республика ва собиқ Иттифоқ Кўчма Қизил байроқларини қўлга киритиб, доимий сақлаш учун ташкилотда қолдиришга эришди. Автокорхонанинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, ишчи ва хизматчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришда К. Сапиевнинг хизматлари бисёр. У меҳнатда эришган муваффақиятлари учун вазирлик ва Сурхандарё вилоят Кенгашининг фахрий ёрлиқлари ҳамда «Фахрий автотранспортчи» унвони билан тақдирланган.

Автокорхона жамоаси, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда бошлангич фирқа қўмитаси номидан моҳир раҳбар, ёшлар мураббийси, фахрли автотранспортчи Комилжон Сапиевни юксак мукофот билан чин юракдан муборакбод этамиз ва фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз.

Б. ХИДИРОВ,
корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси,

Т. МАМАТМУРОДОВ,
ЎзХДП бошлангич ташкилоти котиби.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ
- «ШАРОФНОМА» РАШИДОВ САБОҚЛАРИ.
- ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА
- САЙЛОВЧИЛАР ДЕПУТАТДАН НЕГА ЮЗ ЎГИРИШДИ?
- СОЛИҚ — САДАҚА ЭМАС
- ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР
- 150 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД ЧЕГАРА ЭМАС

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ «ПЛЕМЭЛИТА»

ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ 1992 ЙИЛ УЧУН

«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини кўпайтириш, уларни селекцияси ва етиштириш», «Хусусий зоотехния, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси ихтисосликлари бўйича кундузги аспирантурага қўшимча

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аспирантурага ҳужжатлар 1992 йил 20 октябрга гача қабул қилинади. Имтиҳонлар — 1992 йил 2 ноябрда бошланади.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: 702145, Тошкент вилояти, Қибрай райони, «Красний водопад» алоқа бўлими, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳи.

МАРҒИЛОН ТРАКТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

«ҚАМАЗ» автомашинаси моторига эҳтиёт қисмлар: (двигателига) 1000128, 1002011 дан 1009050 гача, 1011014 дан 1017350 гача, 1022820 дан 1029286 гача, 1104300 дан 1318174 гача группаларини

СОТАДИ

Манзилгоҳимиз: Марғилон шаҳри, Н. Холматова кўчаси, 174-уй.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент кимё-технология институти ректорати, профессор — ўқитувчилари, фалсафа ва тарих кафедраси жамоаси шу кафедра доценти

Юсуф Зоҳидович ОБИДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт катта илмий ходими

Ҳалижон РОЗИҚОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди—20.20.
Г—340 № 187. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.